

«Наманган маҳсулотлари-2006» ярмаркасида олти юздан ортиқ корхона, ташкилот, фирма ва хусусий тадбиркор иштирок этди. Унда юзлаб турдаги озик-овқат, мебель, саноат ва қурилиш маҳсулотлари намойиш этилди.

Ярмарка давомида вилоятда ишлаб чиқарилаётган мактаб жиҳозлари, мебель ва спорт анжомларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу товарлар мактаб, лицей ва қишлоқ врачлик пунктларини реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш учун зарур. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат дастурига мувофиқ, вилоятда жорий йилда сақсондан ортиқ мактаб капитал реконструкция ва таъмирдан чиқарилиши режалаштирилган. Уларни жиҳозлаш учун замонавий товарлар керак бўлади ва бу борада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар яқиндан ёрдам беради.

Бизда тайёрланаётган стол, стул, парта, мебеллар мактаб, шифохона, меҳмонхона ва ётоқхоналар учун мўлжалланган, - дейди «Зилол» хусусий фирмаси раҳбари Юнусов Мирзабоев. - Мана, бир неча йилдан буён маҳаллий бозорда фаолият кўрсатиб, давлат ва акционерлик корхоналари билан рақобатлашамиз.



# ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 18 апрел, сешанба № 68 (2117)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истикболли турлари - банк-молия, сугурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллаштириб бормоқда. Илгаларни мурраккаб маънавий техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кенгайишига имкон яратди.

Шу билан бирга, мазкур тармоқни ривожлантиришдаги жидадий камчиликларни таъкидлаш жоиз, хусусан, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдирishнинг истик-

болли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларида суст ривожланмаётган, бу ерда катта капитал маблағ талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун жозибador бўлган кўпгина аъёнавий хизмат турлари етарли даражада ривожланмапти ва қишлоқ аҳолисининг улардан фойдаланиш имкониятлари пастлигича қолмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг бу муҳим тармоққа керакли даражада эътибор қаратмаётганига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши хозирча бозор меъорларига мос келмапти ва уни дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу соҳада эришилган кўрсаткич-

ларга таққослаб бўлмайди.

Бу мамлакатларда хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60-80 фоизни ташкил этади, хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодийётда банд бўлган аҳолининг қарийб 70 фоизи меҳнат қилади, аҳолининг истеъмоли харажатлари таркибидан эса мазкур соҳа 50-60 фоизни ташкил этади, ваҳолаки, республика миқдoда бу кўрсаткич 10-15 фоиздан ошмайди.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодийётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмоли бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдирish мақсадида:

сида бир ой муддатда ўқув жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан унинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини чуқурлаштириш ҳамда бу ўқув юрларидаги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш юзасидан тактифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси:

бир ой муддатда «Узстандарт» агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган Фаолият турларининг умумдавлат статистика классификациясини тасдиқласин ва уни босқичма-босқич статистика амалиётига киритсин; аҳоли бандлигининг ҳудудий хусусиятларини ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасида статистика маълумотларини тўплаш тизимини ҳисобга олган ҳолда хизматларнинг статистик, шу жумладан алоҳида тармоқлар бўйича ҳисоби методологиясини такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқсин.

7. 2006 йил 1 апрелдан бошлаб 4-иловадаги рўйхатга мувофиқ хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юқорида кўрсатилган имтиёзнинг мақсадини ва аниқ йўналтирилган ҳолда қўлланганини устидан қатъий назорат ўрнатсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2006 йил 17 апрел

И.КАРИМОВ

## Минтақавий семинар



### ИШИМИЗДАГИ МУВАФФАҚИЯТ бошланғич ташкилотларнинг мавқеи билан ўлчанади

Республикамиздаги барча касаба уюшма ташкилотларида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг IV курултойи қарорларини бажариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур анжуманда меҳнатқашаларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва бошқа бир қатор масалалар бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинганидан хабарингиз бор. Ушбу ваазифалар жойларда қандай бажарилмоқда? Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган минтақавий ўқув семинарида ана шу ҳақда гап борди.

ридан баҳраманд бўлиши учун имкониятларининг тўла сафарбар этишимиз лозим. Мана шундагина касаба уюшма ташкилотларининг халқ ўртасида оёруси ҳамда нуфузи янада ортади.

Яна бир муҳим масала. Касаба уюшмалари тизимидаги ходимлар, айниқ-

Анжуманда Фарғона, Андижон ҳамда Наманган вилоятлари касаба уюшмалари бирлашмалари кенгашиларининг раҳбарлари, бўлим мудири, тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг вилоят, туман, шаҳар кенгашилари раислари, Марказий кенгашларнинг вилоят, туман, шаҳарлар бўйича вакиллари ва йриқ бошланғич ташкилотларнинг етакчилари иштирок этишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV курултойи қарорларини бажариш юзасидан долзарб вазифалар тўғрисида Федерация кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Содиқов маъруза қилди.

Дарҳақиқат, мустақиллик шароити ҳар бир касаба уюшма етакчиси ҳамда фаолидан давр талаблари асосида фаолият кўрсатиши тақозо этмоқда. Асосий мақсад эса халқ фаровонлигини юксалтиришдир. Бу вазифани тўлақонли бажариш учун бошланғич ташкилотдан тортиб то Марказий кенгашга жамиятимизни ривождаги ўз ролини кучайтириши зарур. Бунга эришиш учун муваффақият бўлиши таъин.

қият тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун фаолиятимизга иш юритишнинг янги усул ҳамда услубларини кенг жорий этишимиз даркор. Бу мақсадга эришиш учун аввало аҳоли ўртасида касаба уюшмаларнинг роли ва вазифалари тўғрисида кенг миқёсда тушунтириш ишларини йўлга қўйиш даркор. Бунга қандай эришиш мумкин, деган савол ҳар бир кишида туғилмиш табиий. Бунинг учун фаолиятимиз марказида оддий меҳнатқаш тармоғи, асосий механизми эса инсон омилни кучайтиришга, ҳар бир ишчи-хизматчи ижтимоий ҳимоянинг барча воситала-



са, раҳбар кадрлар таркиби бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун фаолиятимизга иш юритишнинг янги усул ҳамда услубларини кенг жорий этишимиз даркор. Бу мақсадга эришиш учун аввало аҳоли ўртасида касаба уюшмаларнинг роли ва вазифалари тўғрисида кенг миқёсда тушунтириш ишларини йўлга қўйиш даркор. Бунга қандай эришиш мумкин, деган савол ҳар бир кишида туғилмиш табиий. Бунинг учун фаолиятимиз марказида оддий меҳнатқаш тармоғи, асосий механизми эса инсон омилни кучайтиришга, ҳар бир ишчи-хизматчи ижтимоий ҳимоянинг барча воситала-

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Таркибий ислохотлар қўламлигини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда иқтисодийни модернизациялаш, уни ўстиришнинг барқарор юқори суръатларини, барқарор ва мутаносиблаштирилган макроеқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш, хусусий мулкчилик секторини мустаҳкамлаш ва бизнес учун қулай муҳитни шакллантириш, аҳоли даромадларини ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шартли сифатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, экспортни ҳар томонлама ривожлантириш - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 2005 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш ақшларига ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида қўйилган асосий вазифалар ана шулардан иборатдир.

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш натижаларини таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2006 йилда иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш бўйича вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 апрелда бўлиб ўтган мажлиси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.

Иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш давомида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш бўйича вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 апрелда бўлиб ўтган мажлиси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш давомида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш бўйича вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 апрелда бўлиб ўтган мажлиси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш давомида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш бўйича вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 апрелда бўлиб ўтган мажлиси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

(Давоми 2-бетда)

«Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови - демократиянинг амалдаги ифодаси» мавзусидаги маърузани намояндалар доктори Мажид Ражабова ва Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси Икhtiёр Беков томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг

## МУҲИМ ҚўЛЛАНМА

маслаҳатчилари сайловида доир нормалари, шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари асосида тайёрланган.

Қўлланма сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун жойларда тузилган комиссия ва ишчи гуруҳ аъзолари, сайлов масалалари билан қизиқувчи барча фуқаролар учун мўлжалланган.

Салгина вақт илгари Россия пойтахти Москвада ва унинг қатор шаҳарларида ош тузи масаласида келиб чиққан талотўпни ҳаммамиз телевидение орқали кўрдик. Кимларнингдир ўйлаб чиқарган «миш-миш»лари орқали, гўёки Украина Россияга ош тузи етказиб беришни тўхтатиб қўяр эмиш, деган гап тарқалиб, дўқонларда ва савдо базаларидаги ош тузи бир неча кун ичида сотилиб кетди.

Зеро, ош тузи инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган неъматлардан ҳисобланади. Уни истеъмоли қилмаслик ёки белгиланган миқдордан кам ишлатилиши турли касалликларни келтириб чиқаради. Бинобарин баъзи даврларда тузининг баҳоси ҳатто олтин билан ўлчанган.

Шукрларки, Аллоҳ назари тушган сержуёш Ўзбекистонимизда бошқа кўпгина маҳсулотлар қатори ош тузи ҳам ишлаб чиқарилади. Ана шулардан бири Сурхондарё вилоятининг «Хўжайкон» номи билан аталувчи корхонадир.

Аслида бу вилоятни тоғлар ўлкаси, дейиш мумкин. Самарқанд вилоятидан кейин қад қорган тоғлар бири иқкинчисига занжирдек улашиб кетади ва гўёки энди инсон белисиз ҳам деҳқончилик қилиб кун кечирсин, дегандек Шеробод туманига келиб водийга жой бўшади. Сал юргангиздан сўнг эса Қўҳитонг ва бошқа номлар билан аталувчи тоғларга айланади, яна давом этади. Туман марказидан ўнг томонга илон изи сингари ўрмадан кетган йўл сизни тагин осмонлар тоғлар сари етаклайди. Шу йўлдан кун ботиш сари олмиш чақиримдан ортиқроқ юрилган кейин, тизилган тоғларга дуч келисиз. Ниҳоят, сиз чўққилари буғилар билан ўпшиган навбатдаги

## ТЕНГСИЗ НЕЪМАТ ЁКИ ҚўХИТОНГ ХАЗИНАСИ

дея жавоб қайтарган экан.

Автомобилнинг юқорида қанчалик ўрмалагани сайн тоғнинг худди бошланғич зинаюси сингари қуйи қисми тобора оқариб бораётгандек, булутлар орасидан мўралаётган қуёш ёғдуси эса ялтираётгандек қуринади. Қизик, музга айланмиш қолган кўп йиллик қор қатлами эмасмикин, деган фикр ўтди хаёлимдан ва бизга ҳамроҳлик қилаётган шифокор Халил Раҳмоновдан шу ҳақда сўрдик.

Хамроҳим қилди: — Адашдингиз, туз тоғи шу-да! Туман марказидан кейин қадимги Шеробод қўли бошланади. Ўтган асрнинг олтинчи ва еттинчи йилларидадан кейин, чўллари ўзлаштириш учун бошланган харақат натижасида пайдо бўлган бир

неча ҳўжаликларни ҳисобга олманганда, ҳали юзлаб, эҳтимолки, минглаб гектар ер ястаниб ётади. Тоғта етмасингиздан икки-уч қақирима берди «Хўжайкон» корхонаси жойлашган экан.

Бунинг сабаби шундаки, — дейди корхона директорининг ўринбосари, иш бошқарувчи Абдуқаҳҳор Қўлматов, — аввало, темир йўл изи худди шу ерғача етиб келган. Бундан нарига борадиган йўл тоғ шаро-

итига хос анча мураккаб. Маҳсусл транспорт воситаларига хомашёни шу ерға ташиб келтирилади. Бу ерда эса майдананиб ҳар хил аралашмалардан тозаланган ва турли иш оғирликдаги халтачаларга жойлашиб истеъмоли қилиш даражасига етказилган маҳсулот бюртамчиларга жўнатилади. Бу иш темир йўл ва турли хил транспорт воситалари орқали амалга оширилади.

Кейинги йилларда маҳсулотни қазиб олишдан тортиб қайта ишлашга бўлган жараёнларни механизациялашга катта эътибор берилмоқда. Тузини портлатиш усули билан қазиб то транспорт воситаларига юклаш, майдалаш, чиқиндилардан тозалаш, халтачаларга жойлаштириш маҳсусл механизмлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Бунинг учун Рос-

## Ўлкамиз бойликлари

сия ва Япония давлатларидан келтирилган машина ва усқуналардан фойдаланилмоқда.

— Юк вагонлари маҳсулотни «Болди» темир йўл станцияси орқали бюртамчиларга етказиб беради, — сўзбoтда давом этади А.Қўлматов. — Аммо унинг бир қисми Туркменистон орқали ўтганлиги сабабли юк ташини анча қимматга тўшмоқда. Шу боисдан Тошгузур орқали янги темир йўл чиқариш ҳаракати бошланди. Агар янги йўл битса, ҳар бир вагон ҳисобига 500 минг сўмдан маблагни тежаб қолиш имкони туғилади.

«Хўжайкон» тузи кони мамлакатимизнинг бу турдаги маҳсулот бўйича мустақиллигини таъминлашга катта ҳисса қўлишига қолмасдан вилоят ишлаб чиқаришини ривожлантириш, одамларни иш ўрни билан таъминлашда ҳам муҳим рол ўйнамоқда. Чўнончи, бугунги кунда туз қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида Пашурда, Майдон, Қорабoғ, Серхон, Ғoз, Оқтош қишлоқларида яшовчи 550 нафардан ортиқ киши корхонага келиб меҳнат қилмоқда ва бу ердан ризқ-насиба топиб, рўзгор тебратпади.

Маълумки, кейинги вақтда матбуотда шу тузи таркибида йод моддаси етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган айрим касалликлар, хусусан, бўқoқ касаллиги ҳақида кўп ёзилмоқда. Шу йўналишда қандай ишлар қилинмоқда, дея сўраймиз раҳбардан.

(Давоми 2-бетда)





**Кўшиқ — қалб қатидаги қадрият. Томошабин унинг сеҳридан беҳтиёр сел бўлиб, бутун вужуди билан оҳанглар оғушига сингиб кетади. Хонанда гўё кўшиққа кўнгил кечинмаларини кўшиб айтгандек. У юртга, она — заминга муҳаббат, инсонийлик, қадр-қиммат, яхшилик ва ҳалолликка ундайди, туйғуларини тарбиялайди. Уни тинглаб ўзинини руҳан тетиклашгандек ҳис қиламиз. Кўнглимиз равшанлашади ва янада барақали меҳнат қилишимизга ундайди.**

## «ОЛТИН БОШОҚ» ОҲАНГЛАРИ

Фаллаорол туман Булоқбоши фуқаролар йиғини қарашли Зарбулоқ кишлоғида фаолият кўрсатган «Молгузар садолари» ашула ва рақс халқ дастаси ўз репертуарларини йилдан йилга мақом, рақс, аския ва халқ ўйинлари билан бойитиб бормоқда. Масалан, «Човган», «Кулоқ чўзма» ва «Халпак» — болалар ўйини бўлиб, уйдабуронлик, чакқонлик ва жисмонан чинқишга, от миниб чавандоз бўлишга ундайди. Зийраклик ва зукколикни оширади. «Пода лов-лов» ва «Беш кетди» ўйинларининг ҳам рамзий маънолари бор. Унда ёшларнинг дастурхон атрофида одоб сақлаб ўтириши ҳамда кексаларга ҳурмат-эҳтироми ифодаланади. «Гаштак» — йигит-жўраларнинг ва ошна, оға-иниларнинг йиғилиши, жонлик сўйиб базм қилишидир.

«Молгузар садолари» ашула ва рақс халқ дастасига 18 нафар турли касб эгалари уюшган бўлиб, улар орасида шифокор ва педагог, маиший хизмат кўрсатиш ходими ва ошпаз, тикувчи ва ишчилар ҳам бор. Улар узларининг ҳар бир чиқишини маромига етказиб ижро этишга ҳаракат қилишапти. Жумладан, «Кўрдим юзингни», «Ўзбек кистоним», «Фарғона тонг отгунча», «Топмадим» каби ашулалар муҳлислар эътиборини қозониб келмоқда. Шунингдек, Богарноев кўрғони, «Кўкбулоқ» жамоа ҳужалиги ва Сарбозор номли 26-умумий ўрта таълим мактабидан ташкил этилган

ашула ва рақс халқ дасталари фаолияти ҳам мақтовга лойиқдир. Улар ҳар йили республика ва вилоят кўрик-танловларида қатнашиб келишмоқда.

Яқинда «Диёрим оҳанглари» вилоят телефестивалида «Олтин бошқ» ансамбли жанрлар бўйича туманлараро энг кўп балл тўплаш имкониятига эга бўлди ва голибликни қўлга киритди. Айниқса, хонанда Мархабо Бегимқуллова, раққоса Зебо Солиева, лапарчи ашулалардан Умида Курбонова, Зебо Туробова ва қизикчи Нодирбек Исмаиловларнинг ҳар бир чиқиши ўзига хослик касб этди ва муҳлислар эътиборини қозонди.



## Орамиздаги одамлар

**Сўнги пайтларда "Мактабда фидойилар дарс беришди", деган гап бот-бот такрорланадиган бўлиб қолди. Негаки, турли ёшдаги 35-40 нафар ўқувчи-ча кун давомида дарс ўтишининг ўзи бўладими? Қолаверса, ҳар бир дарс алоҳида тайёргарликни, ўз устида тинимсиз ишлашни талаб қилади. Бугунги ўқувчи ҳам анвойи эмас. Газета ўқийди, телевизор кўради, қолаверса, ҳар қадамада интернет кафелар... Улар берган саволларга жавоб беролмаслик эса... Шу боис касбини севган ўқитувчи кўп ўқишга, изланишга интилади. Дилрабо Ражабова ҳақида сўз кетса, деволиклар "Узи ёш бўлса-да, бало! Қизик-майдаган соҳаси, билмайдиган мавзуси йўқ, ҳушмуомалалигини айтмайсизми? Ўқувчилар ҳам Дилрабонинг атрофида парвона. Бир қарасанг, маҳаллани йиғиб давра суҳбати уюштирса, бир қарасанг ёшларни баҳс-мунозараларга қорлайдими-ей. Қиройи ўқитувчи шундай бўлсада!", дейишди ҳурмат билан.**

## ТАЪЛИМ ЧИРОҒИ

Аслида, Дилрабонинг ўқитувчилик касбини танлаши қизик бўлган. Гарчанд унинг ота-онаси шифокор бўлишса-да, мактабни тамомлаган қизининг ўқишига унчалик рўйхушлик беришмади. У ота-она раёи билан турмушга чиқди. Бирок, юракда туғилган мақсад унга тинчлик бермади. Ҳар қалай турмуш ўртоғи Дилрабонини тушуниб, унга пойтахтда — Тошкент педагогика университетининг тарих ва ҳуқуқшунослик факультетида сиртдан ўқиши учун имкон яратиб берди. Мана, у қарийб саккиз йилдан буён тумандаги 81-умумтаълим мактабида ўқитувчи. Мактаб, туман ва маҳаллалардаги бирор бир тадбир йўқки, у ва унинг шогирдларисиз ўтса. Шунингдек, Дилрабо Ражабова «Сиз қонунни биласизми?», «Солиқ билмидими?», «Истеъмолчилар ҳуқуқи» сингари бир қатор мавзуларда давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ташкилотчиси сифатида ҳам кўпчиликка яхши таниш.

Мактабда таълим-тарбия сифатини ошириш мақсадида қаратилган «Оилада ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти» мавзусидаги илмий услубий мақоласи вилоят ўқитувчилари учун қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

Тан олиш керак, касби, ҳуқуқ-одоби, ташкилотчилиги билан эл-юртининг эътирофига сазовор бўлиш, ҳурматини қозонишининг ўзи бўлмайди. Меҳнат ва яна меҳнат талаб этилади. Дилрабо эса, ана шу меҳнатдан қочмайди. Мактабда талабчан, ташаббускор

Малоҳат МҮМИНОВА,  
Ўз МУ талабаси

**ISHONCH**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси



## Истеъдодларни излаймиз



Азамат Тугалов. — Бу ҳар бир ижроидан завқ-шақ билан меҳнат қилишни, ўз устида тинмай изланишни талаб этади. Буни маъсулият билан ҳис этган ҳолда ўз репертуарларимизни бойитиб келмоқдамиз.

Абдулла САИДОВ,  
Жиззах вилояти  
Суратларда: хонанда М. Бегимқуллова ва «Олтин бошқ» ансамбли аъзолари.

## Хоккей

### ҚОЗОН КЎЧАЛАРИДА БАЙРАМ

Бунақаси ҳар кун бўлавермайди. Татаристонлик хоккей ишқибозларининг оғзи қулғида. Нега қувонимасин, ахир! «Ак-Барс» иккинчи бор Россия чемпиони деган шарафли унвон соҳибига айланди.



Бош мураббий Зинетулла Билялитдинов етакчилик қилган «Ак-Барс» клуби Омскнинг «Авангард» жамоаси билан плей-офф учрашувлари сериясида ажойиб натижага эришди. Ҳақиқатда ўтказилган икки ўйинда ҳам зафар таёқчасини қўлда маҳкам тутган «Ак-Барс» сафарда ўтказилган биринчи Беллашувдаёқ масалани узил-кешил ҳал қилди. Гарчанд жавоб уршувини ўз дарвозасидан шайба олиб чиқиш билан бошлаган эса-да, ҳар йилги мақолида биттадан гол киритиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонган қозонликлар муддатидан илгари мамлакат чемпионлигини қўлга киритдилар. Умумий ҳисоб 3:0 бўлган бешинчи ўйинни ўтказишга ҳожат қолмади.

### Футбол

#### МОСКВА «ДЕРБИ»СИДА «ЛОКОМОТИВ» КУЧЛИ

Тошкентда «Локомотив» ва «Пахтакор» ўзаро куч синишиб, муҳлисларни пойтахт «дерби»сидан баҳраманд этганлари каби «Локомотив» ва ЦСКА клублари Москва «дерби»сини ташкил этдилар. Тўрт турдан сўнгра пешқаддам бўлиб олган армиячиларнинг имконияти кўп деб баҳоланган бўлса-да, ўйин бунинг аксини намойиш этди. Турнир жадвалининг 15-посонасига тушиб қолган темирйўлчилар ажойиб футбол намунасини кўрсатиб, ниҳоят ғалаба нашидасини суриш бахтига мушарраф бўлдилар.

### ТОШКЕНТДА ЛЬВОВ АВТОБУСИ

Украинадаги Львов автомобил заводи ўзининг навбатдаги «ЛАЗ-А183» русумли йўловчи автобусини ишлаб чиқаришга киришди. «Сити» деб номланган бу замонавий транспорт воситаси кўплай куллайликларга эгалиги билан ҳам ажралиб туради.

100 нафарга яқин йўловчилар учун мўлжалланган мазкур автобус дизайни, техник маълумотлар билан ҳам жаҳон андозаси талабларига тўла жавоб беради. Ёқилгани кам сарфлайдиган «Сити» экологик хавфсизлиги билан ҳам транс-

## Спорт оламида

ва куч бағишлайди, - деди у оммавий ахборот воситалари билан бўлган мулоқот чоғида.

### Теннис

#### КИМ ГОЛИБ ЧИКАДИ?

Монте-Карлода «Мастерс» туркумига кирувчи турнирнинг учинчисига старт берилди. Унда 64 нафар ракетка устаси қатнашмоқда.

Ким голиб чиқади? Ҳозирча бир нарсани дейиш қийин. Турнирнинг биринчи рақамли теннисчиси Роджер Федерернинг имкониятлари юқори баҳоланаётган эса-да, Рафаэль Надаль, Давид Налбандян, Иван Любичич каби ракетка усталари ҳам қараб турмасалар керак.

Россиядан бир йўла етти теннисчи иштирок этмоқда. Улар орасида кейинги пайтларда омади юришмай турган Марат Сафин ҳам бор.

### Баскетбол

#### МАГЛУБИЯТДАН МАГЛУБИЯТНИНГ ФАРКИ БОР

Миллий баскетбол ассоциацияси навбатдаги бахсларида «Милуоки Бакс» ва «Индиана Пэйсерс» клублари мағлубиятга учрашди. Лекин бу муваффақиятсизлик уларнинг маққаларига таъсир қилмади.

Ҳар икки жамоа аллақачон Шарқий конференциядан плей-оффга йўланмани нақд қилиб қўйганлар.

### Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Миллий баскетбол ассоциацияси навбатдаги бахсларида «Милуоки Бакс» ва «Индиана Пэйсерс» клублари мағлубиятга учрашди. Лекин бу муваффақиятсизлик уларнинг маққаларига таъсир қилмади.

Ҳар икки жамоа аллақачон Шарқий конференциядан плей-оффга йўланмани нақд қилиб қўйганлар.

### Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Миллий баскетбол ассоциацияси навбатдаги бахсларида «Милуоки Бакс» ва «Индиана Пэйсерс» клублари мағлубиятга учрашди. Лекин бу муваффақиятсизлик уларнинг маққаларига таъсир қилмади.

### ПАЗАНДАЧИЛИКДАН ЭЛЕКТРОН КЎЛЛАНМА

Мактабларда меҳнат дарслари жараёнида пазандачилик бўйича

машгулотлар олиб борилади. Тошкентдаги 301-мактабда ҳам бундай амалиётлар яхши йўлга қўйилган.

Ўз касбининг моҳир устаси, педагог Асия Юнусова бу соҳада бой тажриба ортирган. Ҳар йили кўп йиллик ўқитувчилик фаолияти натижаси ўлароқ пазандачилик бўйича электрон ўқув қўлланма яратиб муваффақ бўлди.

Янги электрон ўқув адабиётида пазандачиликка доир машгулотларни олиб бориш, амалий ишларни ўтказиш технологияси каби масалалар ўзининг услубий ифодасини топди. Тизимда муҳим аниқлик бўлган бу ишланма республика таълим маркази томонидан юқори баҳоланиб, меҳнат дарслари ўқитувчилари-

## ЗАМОНАВИЙ ПОЧТА ОПЕРАТОРЛАРИ

Нидерландия почта корпорацияси 2005 йилдан «TNT N.V» номи остида фаолият юрита бошлади. Шу муносабат билан транспорт, почта қўтилари, корпорация ходимларининг иш кийимлари бир хил ранг ва белгилари билан таъминлашга киришилди.

Маълумки, қўлгина Европа мамлакатлари почта бозорини либераллашуви натижасида ўша давлатларга хорижий компанияларнинг кириб келиши кучайди. Мижозлар «ўз» операторларини танлаш имкониятига эга бўлдилар.

Бу компаниялар орасида Нидерландия почта оператори ҳам бор. Европада «TNT» савдо белгиси «TPG N.V» га қараганда кўпроқ оммалашган. Шу боис корпорация ўз номини ўзгартиришга қарор қилди. Бу ном доимий мижозлар сонини кўпайтиришга, шунингдек, кўпроқ даромад олишга умид тугдирмоқда.

«TNT Express» - тезкор элтиш бўйича жаҳоннинг етакчи компанияларидан биридир. Компания 900 дан зиёд омборлари, тармоқлари ва саралаш марказла-

ри орқали кунига дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатига 3,3 миллионга жўнатмалар, ҳужжатлар ва юкларни етказиб беради.

Европа бўйлаб «Эшиқдан эшикка» широри остида фаолият юритувчи «TNT Express» йирик ҳаво ва ер усти тезкор-элитиз инфратузилмаси, 18000 та автомобил ҳамда 43 та самолётга эга. Унинг ходимлари сони 43 минг нафардан ошади.

«TNT Logistics» - жаҳон логистика хизмати кўрсатувчи энг етакчи компаниялардан ҳисобланади. Компания миллий, худудий ҳамда халқаро миқёсда ўрта ва йирик корхоналар учун жўнатмалар ташиш тизимларини ишлаб чиқиш, элтиш жараёнини янада яхшилаш, интеграциялашувга оид технологиялар яратиш билан шуғулланади.

Компания автомобил, электроника, истеъмол маҳсулотлари, коммунал хизматлар, телекоммуникация, ноширлик ва оммавий ахборот воситалари бозорида ҳам фаолият кўрсатади.

Мадина ШАМШИЕВА

## КАРАТЭЧИЛАР ЗАФАРИ

Каратэнинг шотакан тури бўйича Туркменистонда бўлиб ўтган халқаро турнирда бухоролик каратэчилар мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Унда иштирок этган 17 нафар вақилими 21 та медални қўлга киритди.

Турнирнинг олтин медал соҳибини Ифром Кароматов энг яхши техник маҳоратга эга шотаканни учун таъсис этилган махсус совринга ҳам сазовор бўлди. Унинг жамоадорлари Суҳроб Давронов, Мадинабону Қасимова, Шоҳруд Қиёмов, Шаҳзод Тошев, Санжар Сафаров, Музаффар Қаримов ҳам шохсулани юқори поғонасини эгаллади.

## Мамлакат чемпиони

Ёдингизда бўлса, аввалги шарҳимизда «Андижон» жамоаси ўз майдонида «Локомотив» дарвозасига жавобсиз бешта тўп киритганига алоҳида ургу бериб, навбатдаги турда водийликлар Жиззахда «Сўғдиёна» меҳмони бўлиши, ушбу матч қўп нарсаларга оидлиги қиритиши ҳақида мулоҳаза билдирганидир.

## «АНДИЖОН» ЎЗИНИ ЎНГЛАБ ОЛМОҚДА

Дарҳақиқат, аввалдан қўл қўл устунлиги ҳисобда тилганидек, баҳс муросасиз кечди. Бошқача айтганда, «Нефтичи» клуби чемпионат дебютанти «Хоразм» футболчиларига қандай ўйнаш кераклигидан сабоқ берди. Маҳорат ва тажриба бобида ҳам анча устун бўлган фаргоналиклар жавобсиз олти тўп киритиб, маққаларини янада мустаҳкамлаб олдилар.

Олти ўйин, олти учрашув... Агар бутун мавсум ўттиз турдан иборат эканлигини назарда тутсақ, чемпионатнинг бешдан бир бўлаги ортда қолгани маълум бўлади. Хўш, биз нимани кутганидигу нималарни кўриб туришимиз? Элбурдан бирини хулоса чиқариш тўғриси эсланиши билиб турган ҳолда, бир нарсаларга ургу беришни жоиз деб топдик. Бу жамоаларнинг ақсарияти то хануз ўз ўйинини топиб ололмаётганидир. Эътироф этиш лозим, қарийб барча жамоаларда тажриба, шу билан бирга ёш истеъдод эгалари тўп сурмоқда. Чамаси улар тил топишга қийналашаётган кўринади. Бинобарин, мураббийларнинг маҳоратига кўп нарсалар боғлиқ.

Очиғи, муҳлислар ёрқин талантларнинг кашф этилишини жуда ортиқчи қутушмоқда. Майдонда Қрасниқий, Абдураимов, Фёдоров, Ан, Хадзилпанагис, Қосимов қабилидаги ўринбосарларни кўришни хошлашади улар.

Ажаб эмас, ушбу мавсумнинг ўзидаёқ орзу-армонларимиз ушласа...

«Тўполан» футболчилари «Насаф»га, «Шўртан» жамоаси «Навбахор»га 1:2 ҳисобида ўйинни бой бергани ҳам фикримизни тасдиқлагандек. Шундай ҳисоб Бекободда ҳам қайд этилди. Фарқи шуки, бу учрашув майдон эгаларининг ғалабаси билан якун топди. «Металлург» ҳужумга ҳужум тактикасини қўллаб, «Бухоро» жамоаси устидан 2:1 ҳисобида зафар қўчди.

Фақат бир ўйинда бир томоннинг иккинчисидан

### Турнир жадвали

Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О	
1. «Пахтакор»	6	6	0	15-0	18	
2. «Машъал»	6	5	1	0	12-2	16
3. «Нефтичи»	6	4	1	1	15-6	13
4. «Насаф»	6	4	1	1	8-5	13
5. «Навбахор»	6	3	1	2	9-7	10
6. «Трактор»	6	3	0	3	6-9	9
7. «Металлург»	6	2	2	2	9-7	8
8. «Қизилқум»	6	2	2	2	8-9	8
9. «Тўполан»	6	2	2	2	7-8	8
10. «Андижон»	6	2	1	3	8-6	7
11. «Локомотив»	6	2	1	3	5-10	7
12. «Бухоро»	6	2	0	4	8-8	6
13. «Самарқанд-Д»	6	2	0	4	3-10	6
14. «Шўртан»	6	1	1	4	3-8	4
15. «Сўғдиёна»	6	0	2	4	0-6	2
16. «Хоразм»	6	0	1	5	2-18	1

## Хабарлар оқимидан

### А. АЛИЕВ ДРАМАТИК САҢЪАТ МАКТАБИ

Драматик санъат мактаби Бундай иборани Тошкентдаги «Илхом» театри томошабинлари тез-тез тилга олишади.

Чиндан ҳам бу ерда истеъдодли ёшлар учун махсус драматик санъат мактаби очилган. Булажак театр актёрлари ижрочилик маҳоратини ошириш йўлида фаолият кўрсатаётган мазкур таълим ўчоғи ташкил топганига ўн йил бўлди.

Бу орада қўлгина ёш истеъдодлар ўз маҳоратларини оширдилар. Театрнинг таниқли актёрлари ёрдамида қатор постановкалар тўпдорланди.

Мактабда яна бир студияни ташкил этишга киришилди. Ҳисоб бўйича театр ҳузуридаги туртинчи ҳисобланган мазкур студия машгулотлари Россиядаги театр мактаблари дастури бўйича олиб борилади.

### Н. РАФИҚОВА

«BAYTUL-ANSOR» МЧЖ ни номи «OZODXON-GLORY» МЧЖ деб ўзгарганиги муносабати билан ишқот ва талаблар шу жамят орқали кўрилади.

## Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилади ва сақланади. Обфсет усулида босяди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нарҳда.  
Тиражи: 15408 Буюртма Г— 614  
E-mail: ishonch\_doverie4@mail.ru

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.40  
Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134  
«Шарқ» нашриёт-матбаа ақиддорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.